

Олимжон ЖУМАБОВЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институтини таянч докторанти
olimjon.jumaboyev@mail.ru

“ЖАЖМАН” ҲИКОЯСИ БАДИИЙ- ФАЛСАФИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

ХУДОЖЕСТВЕННО- ФИЛОСОФСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАССКАЗА «ДЖАДЖМАН»

ARTISTIC AND PHILOSOPHICAL FEATURES OF THE STORY "JAJMAN"

Аннотация. Мақолада замонавий ўзбек насрида тадқиқотчилар томонидан алоҳида эътироф этилган “Жажман” ҳикоясининг бадиий-фалсафий мазмуни тадқиқ этилган. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ушбу ҳикоясида алоҳида рамзий-мажозий образ — “жажман”нинг хатти-ҳаракатлари орқали ижтимоий-маиший ва глобал масалалар ҳам кўтарилган. Энг муҳими эса, нафс тушунчаси фақат бугунги кунгагина хос эмас, асар қаҳрамонлари жамиятдаги кишилар бўлса-да, аслида улар тарихдан олинган. Зардушт бобо, Ахурамазда, Ахриман каби тушунчалар қадимги “Авесто” китобида қайд этилган образлардир.

Калит сўзлар: Жажман, Хуршид Дўстмуҳаммад, нафс, мумтоз адабиёт, рамз, метафора, замонавий адабиёт.

Аннотация. В статье исследуется художественно-философское содержание рассказа “Джаджман”, особенно узнаваемое в современной узбекской прозе. В этой истории Хуршида Дустмухаммада социальные и глобальные проблемы также поднимаются через действия особого символического персонажа - «джаджмана». И самое главное, понятие нафс не свойственно только сегодняшнему дню, хотя героями произведения являются люди в обществе, но на самом деле они взяты из истории. Такие понятия, как Зороастр, Ахурамазда, Ариман - это образы, упомянутые в древней книге Авесто.

Ключевые слова: Джажман, Хуршид Дустмухаммад, нафс, классическая литература, символ, метафора, современная литература.

Annotation. The article examines the artistic and philosophical content of the story “Jajman”, which is especially recognizable in modern Uzbek prose. In this

story of Khurshid Dostmuhammad, a special symbolic-figurative image — through the actions of Jajman, social-household and global issues are also raised. And most importantly, the concept of “nafs” is not peculiar only to today, although the heroes of the work are people in society, but in fact they are taken from history. Such concepts as Zardusht baba, Akuramazda, Akhriman are the images recorded in the ancient book Avesto.

Key words: Jajman, Khurshid Dostmuhammad, nafs, classical literature, symbol, metaphor, modern literature.

КИРИШ

Узоқ тарихдан то бугунгача нафсни тийиш, мол-мулкка ортикча меҳр қўйишнинг охири уқубат экани, айниқса, бунинг жавобгарлиги борлиги борасида кўп таъкидланган. Эсласак, Яссавийнинг “Ҳикмат”ларида ҳам “Бешак билинг, бу дунё, Барча элдан ўтаро, Инонмағил молингга, бир кун қўлдан кетаро” [1: 2], дея дунё лаззати киши қўлидан алал-оқибат кетиши ва у инсонни хароб этишини уқтириб ўтганди.

Бугунги кунда мумтоз адабиётимиз замирига сингиб кетган ушбу жиҳатлар замонавий насримизда ўзгача рамзлар ва метафоралар воситасида акс эттирилмоқда. Хусусан, Назар Эшонқул, Хуршид Дўстмуҳаммад, Исажон Султон, Баҳодир Қобул сингари ёзувчилар асарларида рамзий образларнинг маълум ғояларга асосан қўллаб, мумтоз адабиётимиз ва халқ оғзаки ижоди намуналарида учраган воситалар орқали аудиторияни бадиий тафаккур қилишга ундамоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Жажман” ҳикояси ўша руҳда кейинги даврда ёзилган энг сара асарлар қаторида эътироф этилади. Асар моҳияти бозор ичига бир махлуқ оралаб, бутун бошли жамоатнинг ризқини еб битираверади, одамлар келишиб, уни тутиб ўлдиради ва уни ўлдирган ҳамоноқ яна ўша шаклу шамойилга эга махлуқ туғилади.

Ёзувчи ушбу сюжет орқали ҳаёт деб аталмиш “бозор”нинг икки томони ўзаро солиштирув олиб боради.

Ёзувчи Назар Эшонқул таъбирича, “воқелик, ҳолат, характер, иллат, муносабатларни “Зардушт бобо” ва “Жажман” деган тарозига солиб, кечаги ва бугунги Инсонга, инсоннинг азали ва абаддаги ўрнига ташхис қўйиб беради”.

Шунингдек, филология фанлари доктори Мархабо Қўчқорова ҳам асардаги “Жажман”

образининг генезиси билан қизиқиб, унинг грек мифологиясига доир турли қиёфага кирувчи махлук “Сабдаг”га қиёсан, таъсиран яратилганлиги ҳақидаги фикрни илгари суради. Албатта, бу ҳам ёзувчининг жаҳон халқлари адабиёти ва фольклорини пухта билишини кўрсатади.

Бу асар хусусида муаллиф интервьюларидан бирида таъкидлаган эди:

“Авесто”да икки куч: эзгулик худоси (Ахурамазда) ва ёвузлик худоси (Ахриман) ўртасида мислсиз жанг боради. Азалдан шундай: эзгулик ва ёвузлик доимий курашда. Алалоқибат эзгулик тантана қилади.

“Жажман” сўзининг изоҳига келсак, адабий учрашувларда, гурунларда мухлислар шу саволни кўп беришади, аммо мен ҳар гал жавобсиз қолдирганман. Бу — менинг сирим, ҳикоянинг жозибаси унинг сирида. Ўқувчи ўзи ўйлаб топсин” [2:17]. Албатта, ёзувчининг ушбу қаҳрамони у томонидан ўйлаб-яратилган образ, ҳатто, оч бир махлуқотдир.

Сирасини айтганда ҳам бозорнинг бир тирқишидан кириб одамларнинг нарсаларини еб қочиб кун кўрар ушбу махлуқот ёзувчининг бадиий тафаккури натижасидир. Хўш, бу образни яратиш адиб учун нечоғлиқ муҳим? Масалан, бундан кўзланган мақсад нима?

Ҳар бир ёзувчи жамиятдаги воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлар экан, ундан ўзига хос таъсирланади: таъсирланиш ортидан унинг онгида ўзига хос тафаккур эврилишлари рўй бера бошлайди. Аввало, “Жажман” бу нафақат очкўзлик, ҳарислик ва нафснинг кулига айланган махлуқот тимсоли, шунинг баробарида у ижтимоий-маънавий эврилишлар, жамиятда рўй бераётган инсонлар қиёфасидан таъсирланиш маҳсули ҳам дейиш мумкин. Жажман ўзига хос мажозий образ, яъни у на ҳайвонга, на паранда-ю даррандага ўхшайди. Ёзувчи эса унинг қиёфасини қуйидагича тасвирлайди.

Дастлаб жажман аталмиш махлуқнинг “кўзи, қулоғи, тумшуғи дам сичқонники”га ўхшашига ишора берилса, кейин тулкинигига ўхшаб, тинимсиз товланиши баён этилади.

Унинг турли қиёфа ва тусга киришини ёзувчи жонзотдаги белгилар орқали келтириб боради.

“Олмаҳон-ку!”, деб юборди ичида бобо ва шу заҳоти бошини чайқаб “Тулкиминан

сичқондан таркаган кўринади”, деган ҳаёлга борди, бирпас жим қолгач эса, “Қорни кенгуруники...”, деди пичирлаб, лекин махлуқ қадини ростлаб икки оёқлаб бораётганини кўриб, “Ё одамдан таркаганмикан?!”, деб ўйлади” [3:1].

Шу ўринда Жажманнинг нега турли қиёфаларда берилаётганига назар ташлаб ўтиш ўринли: яъни, сичқон қиёфасига кирган махлуқ бирдан тулкига айланиши-ю яна турланиб, зумда одам қиёфасига кириши замирида ҳам ижодкорнинг ғоявий-бадиий мақсади мужассам. Айтилик, дастлаб у сичқон эди, кейин тулки, кейин олмахон ва охири, одам — бўлгани учун бутун бозор уни йўқотиш пайига тушди. Аммо таъбиримизча, инсондаги, умуман, жамиятдаги нафс балоси тугармиди? Албатта, йўқ. Уни ўлдиришга қанчалик ҳаракат қилинмасин, аммо барча уринишлар бекор кетади. Оломон ёпирилиб, уни тутишга, ўлдириб ташлашга киришади, лекин бунинг бари самара бермайди. Ҳикоя мобайнида Жажманни охир-оқибат оломон тутиб олишади: “Ниҳоят... бирдан ур-сур тўхтади, “ҳою-ҳай-ҳай”лар тинчди, тим ичига сув қуйгандек жимлик чўкди... У ер-бу ерда юмалаб, эмаклаб Жажманни дўппослаганлар бирин-сирин оёққа турди ва... Сўзамол ёнғоқфуруш Жажманнинг калта думидан тутиб чалажон танани боши узра кўтарди” [4:2].

Махлуқотнинг оломон томонидан тутилиши бир томондан, бировнинг ҳаққини ейишнинг жазоси — ўлим барибир муқаррар эканинига ишора бўлса, иккинчи томондан Яссавий тариқатида айтилгани каби “Нафс йўлига кирган киши расво бўлар”, сингари ғоянинг алал-оқибат тугал ҳал этилиши — эл аро шарманда бўлишига қаратилган ҳамдир.

Ёзувчининг асар сўнгида ҳам жажманнинг ўлдирилиши-ю кейин бозордаги девор ўпирилиб-қулаб, ўрнида янги жажманнинг пайдо бўлиши ҳам китобхонни тафаккур қилишга ундайди. “Шу кўзлар, шу нигоҳлар ўнгида тўзон босилди, босилди ва деворнинг тепасида ўранинг оғзидек қора туйнук кўринди”, дея ёзувчи қора туйнук маъносига урғу қаратади. Қора туйнук ҳам гўё бозордаги ҳали тугалланмаган ғам-ғусса рамзи, ёзувчи назарида ҳали бу ердан минглаб жажманлар чиқиб бозордаги емак-ичмакка шерик бўлади.

Албатта, ҳикояда бир қанча рамзий-мажозий образлар учрайди: бозор, Зардушт, Ахурамазда,

Ахриман, эшик, туйнук, девор... бу рамзий тушунчалар ўзида маъно ташиб, ҳикоянинг бадий-фалсафий қўламини оширишга, уни ўқиш жараёнида бадий тафаккур этишга ва бунда хулоса чиқаришга ундайди.

Бозор — ҳаёт, жамият, умр рамзи. Демак, ҳикоянинг айнан бозорда содир бўлиши ҳам жамиятнинг маълум бир қисми, қайноқ воқеалар акс этган жой сифатида хулосага чорлайди. Бозор Хуршид Дўстмуҳаммад асарларида энг кўп мурожаат этиладиган жой бўлиши баробарида, қизғин ҳаёт давом этадиган рамзий макон ҳамдир.

Девор — чегара, масофа, бўлиниш рамзи. Демак, айнан девор орасидан жажманнинг пайдо бўлиши ҳам нафснинг тақво чегарасини бузиб ўтишини изоҳлайди.

Майиз — ризқ, жамоатнинг ризқи рамзидир. Айтайлик, “бир майизни қирқ бўлиб ейиш”, тушунчаси шу маънода келади.

Зардушт бобо — зардуштийлик дини асосчиси.

Ахурамазда — “Авесто” китобида келтирилишича, зардуштийлик динида эзгулик худоси.

Ахриман — “Авесто” китобида келтирилишича, зардуштийлик динида ёвузлик худоси.

Нур — ёруғлик, бахтиёрлик ва ишонч рамзи.

Ҳикояда Зардушт бобо тилидан куйидаги жумлалар учрайди:

“Огоҳ бўл, огоҳ, Ахурамазда! — деб кўзларини баттар юмди Зардушт бобо турган жойидан қимирламай. — Ахриман ўлмаган, Ахурамазда!.. Огоҳ бўлгайсизлар, яхшилар, огоҳ!.. Ахура...” [5: 5]

Одатда, Зардушт образи бугунгача адабиётимизда учрамаган, жаҳон адабиётида эса, ўтмишдан образ олиш маъносида кенг қўлланилади. Зардуштилик дини энг қадимий дин. Нафс тушунчаси ҳам инсон пайдо бўлибдики, унга қадам-қадам яшаб келмоқда. Ҳатто жажманлар ҳам энг қадимий махлуқотдир, негаки, бировнинг ҳақини ейиш масаласи бугун, ёки кеча пайдо бўлиб қолган эмас.

Дарвоқе, асар аввали билан охирига бир келтириб, хулосаласак:

Бозорга бир қоп майиз олиб чиққан жувоннинг қопини яримлатиб ўмарганни қарғаб, бутун бозорни оққа турғазган аёлнинг: “Бир қоп... иди... етимчалар насибасидан

қайириб опкелгандим” [6:8], қарғиш-дидиёси алаҳхусус, Жажманнинг ўлими билан ечилади. Китобхон дастлаб жувоннинг майизини ўғрилаган инсонни қидирав экан, у аслида инсон қиёфасидаги бир махлуқ бўлиб чиқади. Балки, жажманнинг айнан бир кўринишда тасвирланмагани ҳам гўё ҳар бир китобхон уни ўзича, тасаввур ва тафаккурча гавдалантириш мақсадига қаратилгандир.

Ҳақиқатан, етим ҳаққи борасида халқимиз бир тўхтамга келган — унинг ҳаққини ейишнинг охири вой, дейилган. Шу маънода жажманнинг ўлими ҳам шунинг ортидан келгандир. Гояга мувофиқ айтиш мумкинки, нафс тушунчаси ҳеч қачон ўлмайди. Жамиятдаги урчиган ебтўймасликнинг ҳам адоғи кўринмайди, у янги қиёфада, янгича туғилиш асносида туғилаверади, балки жажманлик ҳам инсоннинг ичида қайта-қайта туғилаверар...

Асар якунида эса “қора туйнукдан бир жуфт баҳайбат ҳовуч кўриниши” орқали аудитория яна рамзларга жалб этилади.

“...ҳовучлар ичкарига сукилиб кирдию улардан ҳозиргина базўр, минг бир азобда ўлдирилган Жажманга икки томчи сувдек ўхшаш бошқа бир Жажман сакраб ерга тушди, фақат у олдингисидан ҳийла дуркунроқ — бўйи икки қарич эди...” [6:8].

ХУЛОСА

Умуман олганда, бу асардаги ҳар бир детал образ даражасига кўтарилган, образлар ҳам рамз даражасига етган. Рамзлар ҳам фикримизча, рамзий тимсол даражасига кўтарилган. Жажман — очкўз ва ҳарис махлуқот тимсоли. Жажман — ўз манфаатларининг жамоат манфаатларидан устун қўйган кишилар тимсоли. Жажман — жаҳон адабиётига бўйлашган замонавий ўзбек ҳикоячилигининг янги талқини.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://ziyouz.uz/ozbek-sheriyati/ozbek-mumtoz-sheriyati/ahmad-yassaviy/>
2. t.me/Nazar_Eshonqul
3. <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/xurshid-dostmuhammad-jajman-hikoya.html>
4. <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/xurshid-dostmuhammad/xurshid-dostmuhammad-jajman-hikoya/>
5. <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/xurshid-dostmuhammad/xurshid-dostmuhammad-jajman-hikoya/>
6. ziyouz.uz
7. ziyouz.uz